

февраль 2013

## ТЎЛОВИ ҚАНЧА?

Шахсий уй-жойнинг давлат кадастр ҳужжатларини расмийлаштириша давлат божи қанча ундирилади? Ўз ҳуқуқимиз поймол этилганда, бу ҳолат бўйича судга мурожаат қиладиган бўлсак, адвокат ёллаш мажбурийми?

4 бет

## ОҚИБАТНИ ЎЙЛАМАЙ...

Икковлон гугурт қутиларига солинган, соф вази 168 граммни ташкил қилган "марихуана"ни Тошкент вилоятидан Навоий вилоятига олиб келишади. Қинғирликнинг исини чиқармаслик учун кўздан холи жой керак эди.

6 бет

# Mustaqillik huquq demakdir Ўзбекистон Республикаси



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 21-fevral, №8 (841)

Тадбир

Дунё аҳолиси гиёҳвандлик воситаларининг зарари, оғир оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз бу илат барҳам топмаётгани ачинарли ҳол. Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида наркобизнес ва унинг оқибатлари хусусида тўхталиб, барчани бирлек ҳамкорликка курашишга чақирган эди.

## Ҳамкорликдаги давра суҳбати

Бугун республикаимизда гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб борилаётганига қарамасдан бу илат билан боғлиқ жиноятлар ҳамон учраб турибди. Ана шу жиноятларни ҳисобга олган ҳолда ИИБ идоралари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ёшларнинг наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир этишларининг олдини олиш, унга қарши биргаликда курашиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Республикаимиз ҳудудида 2013 йилнинг 1 февралидан 1 мартага қадар "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлари"нинг ўтказилиши ҳам бунга бир мисолдир. Ушбу ойлик доирасида ИИБ Транспорт Ички ишлар бошқармаси томонидан МХХ бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Транспорт прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси МХХ бошқармаси, ИИБ Транспорт ИИБ ходимлари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг мутахассислари, Учувчилар мажмуаси хизматчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, наркотик моддаларнинг зарари ва оғир оқибатлари хусусида қатнашчиларга атрофлича маълумотлар берилди. Шунингдек, тадбирда мазкур захри қотилининг таъсирига тушиб қолган инсонлар ҳақидаги видеофильм ҳам намойиш этилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбати сўнггида иштирокчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз муҳбиримиз

Таҳлил

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бирига айланди.

## Тадбиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида

Шу боисдан Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида ислохотлар изчилик билан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорлар асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди, шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг шакл ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асосис араслашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Ўтган 2012 йил тадбир-корлар учун

[Давоми 5-бетда]



Бугунги кунда Ватанга хизмат қилиш ҳар бир йигит учун катта шараф ва масъулиятли ишдир. Ҳар ким ўзига билдирилган ишонччи оқлаши, ҳарбий хизматни намунали ўташи лозим.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервга бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, жойларда мuddатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни армияга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Иигитларни армияга кузатиш маросимларида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Куролли Кучлар фахрийлари, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва аяқларини иштирок эттирир.

Юртбошимиз раҳнамолигида Куролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг

қўламли ислохотлар мuddатли ҳарбий хизмат нуфузини оширишга ва мамлакатимиз мuddофаа қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, мuddатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилди ва бу мuddат бир йил этиб белгиланди. Мuddатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани Куролли Кучлар шахсий таркибини тўлдиришни сифат жиҳатдан яхшилаш имконини бермоқда. Миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб, жанговар шайлиги ва техник таъминоти мустаҳкамланмоқда, нуфузи ортмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати юксалимоқда.

Жараён

Ўз муҳбиримиз

## Таълим ва бандлик муаммоларининг ечими

Республикаимизда ўсиб келаётган ёш авлодни қомил инсон сифатида тарбиялаб, вояга етказиш учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йақунари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марбузаларида қайд этганларидек, таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш доирини диққат марказдаги масалалардан бўлиб келди. Янги касб-хўнар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012-2013 ўқув йилида ўн икки йиллик мажбурий таълимга тўлиқ ўтилди.

Касб-хўнар коллежларидаги таълим савияси юксалиб бормоқда. Таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга, ўқитувчиларнинг малакасини ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Раҳбар ва педагог кадрлар, ишлаб чиқариш таълими усталарининг билим ва малакалари аттестациядан ўтказилмоқда. Ўтган йили юқори малакали педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ва жорий этиш ни-

ҳоясига етказилди. Мамлакатимизда таълим юксак жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марбузаларида энг обрўли халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг эътирофига қўра, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида иккинчи ўринни банд этганини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

[Давоми 3-бетда]

# Қилмиш — қидирмиш

**Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамма тегишли меъёрий ҳужжатлардан ташқари, 2008 йилнинг мамлакатимизда "Ёшлар йили", 2010 йилнинг эса "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳам ёшларга берилаётган эътиборнинг яққол ифодасилар.**

**Д**арҳақиқат, бугунги ёшларга эътибор бундан ўттиз-қирқ йил аввалги тенгдошларига бўлган эътибордан кескин фарқ қилади. Замонавий, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган лицей, коллеж ҳамда бошқа ўқув юртлири, кўзни қувонтирадиган даражада жиҳозланган спорт комплекслари бугун уларнинг ҳизматида. Шукри, акасирий ёшларимиз нафақат олган билимлари, балки спортда эришган натижалари билан ҳам юртимиз довуғини жаҳонга таратишмоқда.

Аммо афсуски, ана шундай, ўрнак бўлишга арзийдиган ёшлар сафида ўзларига берилган имкониятларга беписандларча муносабатда бўлаётган, аниқроқ

айтадиган бўлсак, кўрнамалик қилаётганлари ҳам учраб турибди. Бунга куйидаги баён этиладиган ҳолат мисол бўла олади.

Қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежининг талабаси бўлмиш Олимжон, кечги пайт маҳалладаги дўкондан қарзга бир шиша пиво олиб, канал бўйида ўтирганча шишани бўшатди. Организми ҳали спиртли ичимликларга мослашмаганлиги боис бўлса керак, бироз кайфи ошгандек бўлди. Сархўш ҳолда ўтирар экан, тўсатдан бирор жойга кириб, ўғирлик қилиш ҳақидаги фикр пайдо бўлди-ю, режасини қандай амалга ошириш ҳақида хаёл суринишга тушди. Ўйлай-ўйлай, охири бир қарорга келди: нима бўлса-бўлди, бирорта ҳамқиллогининг

уйига кириб кўради. Наҳотки, бугун бошли уйдан пул топилмас... Жуда бўлмаганда, у-бу нарсани ўмариб чиқиб, сотиб юборса ҳам бўлади-ку!

Хуллас, бир қарорга келган Олимжон вақт аллама-ҳал бўлишини кутиб ўтирди-да, соат тунги 24:00-ларда йўлга чиқди. Янгишмабди, ўзи мўлжалга олган Б.Қорақўловнинг хонадо-нида чирок кўринмади. Кўнгли хотиржам бўлиб, дераза ромини секин итарган эди, очилди. Ичкарига киргач, мусика эшитиш мосламасининг флешкаси кўзига чиройли кўринди, шекилли, олиб, чўнтагига солди. У ёқ, бу ёққа қараб, стул устидаги чамадонни кўриб қолди. Очса, ҳўжатлар билан анча-мунча пул ҳам бор экан. Ҳўжатларни жойига қўйиб, пулни санаб кўрди, 57 миң сўм чиқди. "Бугунга шу ҳам етади", дея кирган жойидан яна ташқарига чиқиб, уйига йўл олди.

Эртасига эрта билан дўконга бориб, қарзини тўлади. Қолган пулларга эса вилоят марказига бо-

**Дилшод ФАЙЗИЕВ,**  
Қизирик туман прокурори

риб, овқатланди...

Тезкорлик билан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида саёқ юрган йигитчанинг сайр қилишига чек қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Қизирик туман суди ушбу ишни кўриб чиқди ва ётқазилган зарар тўлиқ қопланганлиги, даъвогарнинг даъвоси йўқлиги, судланувчининг оилавий аҳоли ҳамда ёшлигини айбни енгиллаштирадиган ҳолат, деб топиб, унга жарима жазоси тайинлади. Шунингдек, О.Юсуповнинг ҳулқи устидан назорат олиб бориш учун унга жамоат тарбиячиси тайинлаш ҳам белгила-ниб, ушбу вазифа Қишлоқ ҳўжалиги коллежи маъмуриятига юклатилди.

Умид қиламизки, О.Юсупов ҳам ўзига берилган имкониятдан тегишли ҳулоса чиқаради ва буюк кучнинг сафидан мустаҳкам ўрин олади.

## Фаолиятингиз қонуний бўлсин

**Мамлакатимизда барча соҳалар каби суд-ҳўқуқ тизимида ҳам қатор ислохотлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси аввало фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самараси бермоқда.**

**Ў**збекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ интизомини мустаҳкамлаш, мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, вақтида тўланмаган тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш борасида бир қанча вазифалар амалга оширилди. Шунингдек, солиқ тўлашда бўйин қилмаб, назорат қилинмайдиган даромад олиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, валютага оид жиноят ва қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашиш мақсадида ўтган йили муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ва Давлат дастури тўғрисида Президент Қарорининг қабул қилингани, шунингдек, Бош прокурорининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳўқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кўчайтириш тўғрисида"ги буйруғига асосан бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишлар "Мустаҳкам оила йили"да ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш борасида 1114 та тадбир ўтказилди. 145 та тадбиркорлик субъектлари тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларга

амалий ёрдамлар кўрсатилди ва натижада 308 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Тармоқдаги 38 та тадбиркорлик субъектларига банклардан 590 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олинишига амалий кўмак берилди. Буларнинг натижасида бюджетга 118 млн. сўм миқдорда қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 113 млн. сўм ундирилишига эришилди. Қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар 705 млн. сўмини ташкил этди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ривожланишида уларга тўқсинлик қилиб, мансабини суистеъмол қилаётган мансабдор шахсларга ҳам қонуний чоралар кўрилди. Бу борада 24 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари кўзгатилди.

Ўтказилган тезкор-тахлилий тадбирлар натижасида солиқ, валюта ва иқтисодиётга оид 374 та ҳўқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 367 та жиноят ишлари кўзгатилди ва 7 та маъмурий ишлар юритилди. Аниқланган ҳўқуқбузарликлар бўйича бюджетга 3 млрд. 545 млн. сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, 10 млрд. 247 млн. сўм молиявий жарима қўлланилди ва шундан 5 млрд. 777 млн. сўми ундирилди.

Валюта қимматликларини ноқонуний муомалага киритиш ва бу борадаги қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида жами 35 та ҳўқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, ҳўқуқбузарлардан 138444 АҚШ доллари, 35 млн. ўзбек сўми, 261100 Россия рубли, 62722

қирғиз соми, 4700 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Спирт ва алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини республика ҳудудида ноқонуний равишда олиб кириш, ишлаб чиқариш ҳамда сотишга қарши курашиш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жами 16 та қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилди ва аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзгатилди. Ҳўқуқбузарлардан 36 млн. сўмлик спиртли ва 61 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб кўйилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 63 та ноқонуний фаолият юритаётган яширин цехлар аниқланиб, барча ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзгатилди ва ҳўқуқбузарлардан жами 40,2 млн. сўмлик маҳсулотлар олинди.

Коррупция ҳолатларини фож этиш борасида ҳам бошқарма томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Бу борадаги тадбирлар натижалари бўйича 129 нафар шахсга нисбатан 89 та жиноят ишлари кўзгатилди.

Бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари бундан кейин ҳам ўзларига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг иқтисодий асосларига қарши қаратилган ҳар қандай кўринишдаги қонунбузарликларни аниқлаш, айбдор шахсларни фож этиш, уларга нисбатан жазо муқарарлигини таъминлаш ҳамда етказилган зарарларни ундириш борасидаги фаолиятларини изчиллик билан давом эттирадilar.

**МуҳаммадҲон РЎЗМАТОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг  
Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи  
вазифасини бажарувчи

**Давлатимиз раҳбари "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", дея ҳар бир ота-онанинг дилидаги гапни айтганди.**

## Тамагирлик

**Фаррух ТОШПЎЛТОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг  
матбуот гуруҳи катта инспектори

**Ю**ртимизда ёш кадрларнинг ҳар томонлама камол топиши, ўз иқтидорини ва салоҳиятини тўлиқ намойён этиши учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Таълим тизимини ривожлантириш учун ажратилаётган сармоялар мамлакатимиз келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохотларда энг замонавий шарт-шароитларга эга бўлган ўрта махсус ва олий ўқув юртлирида ёшларга таълим бериб, юксак малакали кадрларни етиштириш пировард мақсад қилиб қўйилган.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар боис юзлаб замонавий касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар барпо этилиб, ўқитишнинг мутлақо янги самарали илгор тизими ҳаётга жорий қилинди. Бу эса ўз ўрнида ёшларимизга таълим бериш соҳасини янада чуқур ислоҳ қилиш, жаҳон андозаларига мос келувчи янги ўқитиш меъёрларини жорий қилиш, ўқитувчи, педагог ва таълим берувчи ходимларнинг ўз ишига муносабатини янада оширишни талаб қилади.

Таъкидлаш жоиз, ижтимоий жараянларни тартибга солиб турган қонунлар борки, улар орқали таълим соҳасидаги барча муносабатларда адолат ўрнатилган. Аммо шарафли ва масъулиятли соҳа вакиллари орасида порахўр ва тамагир педагог (аслода улар педагог номига нолийк)лар ҳам учраб турибди.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти ва унинг ҳудудий органлари томонидан бундай масалаларга жиддий эътибор қаратилиб, тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тезкор тадбирлардан бирида Самарқанд Давлат тиббиёт институти илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Шохиди Ҳусанова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳизмат макеидан фойдаланиб, фуқаро Ж.Қосимовдан унинг турмуш ўртоғини ушбу институтнинг клиник-ординатура бўлимида наркологиya мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш эвазига 1500 АҚШ доллари талаб қилганлиги аниқланган. Бўлим бошлиғи дастлаб 500 долларини олиб, кейинчалик 800 долларини олаётганида ушланиб, жинояти фож қилинган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Сирғали тиббиёт коллежининг "Даволаш иши бўлими" мудири Гулчехра Шодиеванинг фуқаро Дилафруз Насриевдан фарзандини ушбу коллежга ўқишга киритишни ваъда қилиб, 500 АҚШ долларини тамагирлик йўли билан олганлиги аниқланиб, унинг жиноий қилмишига чек қўйилди. Бу каби кўштирроқ ичидаги педагоглар маърифат уруғини соҳиш ўрнига тамагирлик ва товланмачлик иллатларини ёймоқдалар.

Ишонамизки, иллатларга ўрлашиб қолган бундай кимсаларнинг қилмишлари бу касб фидоиларининг ҳурмат-эътиборига асло даҳл қилмайди.

# Таълим ва бандлик муаммоларининг ечими



/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Таълимга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси вилоят прокуратураси органлари томонидан мунтазам равишда таҳлил этиб борилмоқда. Утган йил мобайнида "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Муस्ताҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Республика Бош прокурорининг фармоишига асосан ташкил этилган ҳокимлик, прокуратура, хотин-қизлар кўмитаси, ИИБ, адлия, солиқ, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари ходимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат ишчи гуруҳларининг сайёҳ-харакатлари билан 9-синф битирувчиларини ўқишнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш, мактабни битирган, коллежда ўқиётган қизларни барвақт турмушга узатиш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчи-ёшларни диний-экстремистик оқимлар таъсир доирасига тушиб қолишдан ас-

раш ҳамда коллежларнинг барча битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида эътиборга молик натижаларга эришилди.

Бундан ташқари, ҳафтанинг жума кунлари прокуратура органлари ходимлари томонидан умумтаълим мактабларида ақидапарастлик, диний экстремизмнинг олдини олишга, таълим, вояга етмаганларга оид қонунчиликни тушунтириб боришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилди. Таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган учрашувлар, суҳбатлар, шунингдек, телекўрсатувлар, матбуот нашрлари орқали чиқишлар қўзланган самарани бермоқда. Чунончи, жойларда хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, имом-хатиблар билан ҳамкорликда ўтказилган мулоқотларда қизлар ўртасида эрта никоҳнинг ҳамда эрта фарзанд кўришнинг салбий оқибатлари тушунтирилиши натижасида лицей ва коллежларнинг 2-3- босқичида ўқиётган 126 нафар қизларнинг эрта турмушга чиқишининг олди олинди. Шунингдек, 9-синфни битириб, ўқимай қўйган ўқувчилар аниқланиб, уларнинг барчаси таъ-

лимнинг кейинги босқичига жалб этилди. Фарзандлари ўқимай қўйганига бефарқ қараган ота-оналар эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, ишчи гуруҳлари томонидан 12 йиллик мажбурий таълимни тўлиқ тугалламай, муайян мутахассисликка эга бўлмасдан ишлаш мақсадида чет давлатларга чиқиш кетишининг салбий оқибатлари тушунтирилиши натижасида коллежларнинг хоригга чиқиш кетган 152 нафар ўқувчи ва битирувчилари уйларига қайтарилиб, уларнинг ўқишга ҳамда ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатилиб, билим даргоҳларининг иш берувчи корхоналар билан турли шаклдаги кооперация алоқалари йўлга қўйилди ва коллеж битирувчиларининг аксарияти уч томонлама шартномага асосида эгаллаган касбларига мос ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, коллежларнинг битирувчилари бўш иш ўринлари ярмаркаларида корхона ва ташкилотлардаги ўзларига мақбул бўлган иш ўринларига йўлланмалар олиш имкониятидан фойдаланиши. Хусусан, 2012 йил мобайнида прокуратура органлари ташаббуси асосида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркаларига ташриф буюрган битирувчиларнинг 15 минг 116 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан туманлардан, қишлоқлардан шаҳарлар-

даги коллежларга келиб ўқиган, ўқишни битириб, диплом олгач, яшаш жойларига қайтган битирувчиларнинг рўйхатлари жамланиб, уларга ўз ҳудудларидаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилари амалий ёрдам кўрсатиш хусусида ҳудуд прокурорларига кўрсатмалар берилди. Оилалари бағрига қайтиб келган битирувчилардан 428 нафари доимий яшаш жойларидаги корхоналарга ишга жойлаштирилди.

Ишчи гуруҳлари томонидан ўтказилаётган мониторингларда ҳисоботларга ишга жойлаштирилмаган битирувчиларнинг ишга жойлаштирилгани ҳақида сохта ёзувлар киритиш ҳолатларига йўл қўйиб келинаётгани аниқланмоқда. Жумладан, Олтиариқ туманидаги "Маҳаммадқодир Санатилло" фермер хўжалиги туман ҳокимининг 2009 йил 21 сентябрь кунги қарори билан тугатилиб, ер майdonи туман захирасига қайтарилган бўлса-да, Иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси З.Мирзаев 2012 йил 4 июль кунги мазкур фермер хўжалигига ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ ва меҳнат шартномаси хўжаликнинг муҳри билан тасдиқлангани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш, қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида жами битирувчиларнинг 54641 нафари ёки 94 фоизининг бандлиги таъминланди.

Республика Бош прокурорининг топшириғига биноан, етим

Фарход ЗУФАРОВ,  
Фаргона вилоят прокурори

ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатлари ҳам бартараф этилмоқда. Жумладан, прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларнинг натижаларига кўра, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликларига тақдимномалар киритилиб, Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан турар жойга муҳтожларнинг 2 нафарига уй ажратилди. Хусусан, 2013 йил 21 январь кунги ордер билан Автотранспорт касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Н.Ҳайдарова "Чорчино" кўчасидаги бўш турган, амалдаги санитария ва техникавий меъёrlарга жавоб берадиган, зарур жиҳозлар билан таъминланган 2 хонали уйнинг калити топширилди. Худди шунингдек, Фаргона шаҳрида тўрт нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй ажратиб берилди. Айни чоғда яна 9 нафар муҳтожларга уй ажратиш масаласи хал этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят прокуратураси органлари томонидан таълим, меҳнат, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда вояга етмаганларнинг, фарзандларимизнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида мунтазам ишлари олиб борилмоқда. Қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий ишлар, кенг қўламли тарғибот тадбирлари орқали ўқувчи-ёшларга қонунларга итоат, уларга сўзсиз амал қилиш кўникмаси сингдирилмоқда.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари барча соҳалардаги ўзгаришларга яққол кўриниб турибди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда соҳага оид қонунларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида фермер ва деҳқон хўжалиklarининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши тобора ортиб бораётди. Гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиш йил сайин сезиларли даражада кўпаймоқда.

Соҳада эришилаётган муваффақиятларнинг бир томони бу борадаги қонунларнинг ижросига боғлиқ. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан соҳага оид қонунлар ижроси устидан мунтазам прокурор назорати олиб борилаётган.

2012 йил давомида ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 4136 та прокурор назорат ҳужжатлари қўлланildi. Қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 32 та протест келтирилди. Шунингдек, 317 та тақдимнома киритилиб, 2363 нафар шахс қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймастик хусусида огоҳлантирилди.

## Ҳалолликда ҳикмат кўп

393 нафар шахс интизомий, 722 нафар маъмурий, 81 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 78 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 843 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишда Амударё туманидаги "КА-3" хўжаликларора коллектори 2-босқич реконструкция ишлари юзасидан олиб борилган назорат ўлчовида "Амударья-давсувамаҳсуспудрат" давлат унитар корхонаси мансабдор шахслари томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, улар ўзaro жиноий тил бириктириб, ҳар ой олиб борилган ишлар юзасидан тўлдирилиши белгиланган форма-2 ҳужжатига бажарилмаган ишларни ҳам қўшиб ёзиб, сохта маълумотларни киритиш йўли билан 26 млн. 57 минг сўмлик маблағларни талон-торож қилишган.

Яна бир ҳолат, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти ва "Кегейлидавсувамаҳсуспудрат" давлат унитар корхонаси ўртасида туманларара коллекторни реконструкция қилиш ишларини олиб бориш бўйича шартнома имзоланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган, ҳатто объектни қабул қилиб

олиш бўйича далоятнома ҳам тузилган. Аслида эса, қилинмаган тупроқ ишлари қўшиб ёзилиб, жами 16 млн. 306 минг 987 сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ердан фойдаланиш борасида мамлакатимизда тегишли қонунлар қабул қилинган. Лекин айрим жойларда ушбу ҳужжатнинг ижросига беписандлик билан қараётганлар ҳам учрамоқда. Масалан, Тўрткўл туманидаги "Галаба" овул фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи фуқаро С.Абаев фермер хўжалигига тегишли бўлган 216 метр квадрат ер майdonини ўзбосчимлик билан эгаллаб олган бўлса, Амударё туманидаги Ж.Отажонов номли ва "Натий" фермер хўжаликларига тегишли бўлган 1,15 гектар ерга фуқаро Ш.Тангирбергенов, 1,22 гектар ерга Т.Артиқбоев, 1,17 гектарига эса М.Сейтбевлар қонунга хилоф равишда эга бўлиб олганлар. Бу ҳолатлар бўйича уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, ерлар фермерга қайтариб берилди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳам доимий назоратдан четда қолаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш борасида ҳам қатъий чоралар кўрил-

Қадирбой БЕКМУРАТОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
прокуратураси бўлим бошлиғи  
Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
«Huquq»

моқда. Шуманай туманидаги "Н.Ешмуродов" фермер хўжалиги мансабдор шахслари нефт маҳсулотларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, 714 литр ёнилниги томорқалари учун ишлатганликлари аён бўлди. Улар бу қилмишлари учун қонун олдида жавоб бердилар.

Қишлоқ хўжалигининг кўп эътибор талаб қиладиган тармоқларидан бири чорвачилиқдир. Шундай бўлса-да, бу соҳада ҳам баъзи камчиликлар мавжуд экан. Текширишларда, Тўрткўл туманидаги "Қизилқум" ширкат хўжалигининг бosh чўпони Х.Жумаевнинг жавобгарлигидаги 142 бош майда шохли молларнинг камайиб қолганлиги аниқланди. Бундай ҳолатга Тахтақўйир туманидаги "Мулк" ширкат хўжалигида ҳам йўл қўйилган бўлиб, чўпон К.Прашов ихтиёридаги жами 120 бош қўй, эчки, туя ва йилқилар йўқ қилиб юборилган. Натижада давлатга 16 млн. 890 минг сўм зиён етказилган. Уларга нисбатан қонун доирасида тегишли чора кўрилди.

## Тўлови қанча?

Шахсий уй-жойнинг давлат кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда давлат божи қанча унирилади? Ўз ҳуқуқимиз поймол этилганда, бу ҳолат бўйича судга мурожаат қиладиган бўлсак, адвокат ёллаш мажбурийми? Агар мажбурий бўлса, шахсий адвокатлик фирмаларига тўланадиган хизмат ҳақининг миқдори қанча? Адвокатлик фирмаларига хизмат ҳақини қайси орган белгилаб беради? Агар фуқаронинг адвокат ёллашга иқтисодий имконияти етмаса, бундай ҳолатда унга қим ва қайси орган ёрдам бериши керак? Низоли ишларни кўриб чиқётган судга давлат божи қанча миқдорда тўланиши керак? Яқинда янги иморат солик, унга электр ҳисоблагич ўрнатиб беришни сўраб, туман электр тармоқлари бошқармачи мурожаат қилганимда, аввал 70 миң сўм тўланиши лозим, деган жавобни олдим. Шу тўғрими?

Ш.Бобоев,  
Каттакўрғон тумани

баравардан ортқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилинади ва ҳарajatлар давлат ҳисобига ўтказилади;

гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этиши ҳолларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 52-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, жиноят ишида ҳимоячининг қатнашиши мажбурий, деб ҳисобланган ҳолларда ҳам юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш бўйича ҳарajatлар давлат ҳисобига ўтказилади.

Фуқаролик судларига оид низоли ишларни кўриш учун тўланадиган давлат божи таъналадиган бўлса, давлат божининг миқдори кўриладиган иш предметига, даъво баҳосига боғлиқ. Масалан, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қамситувчи гайриқонуний ҳатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан (суд қарори чиқарилаётганда айбдор томондан ундирилди) энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда, жиноий иш бўйича фуқаролик даъволаридан эса, даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорда бож ундирилади.

Навбатдаги саволнигиз бўйича Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари"да қайд этилишича, ҳисоблаш приборлари, шунингдек, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчиларнинг ҳисобитоб қилишга мўлжалланган электр энергияси ва қуввати ҳисобга олининг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёс-лашдан ўтказилади ва ўрнатилад ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан рўйхатдан ўтказилади ва пломбланади.

Шу билан бирга, ҳисобга олиш (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи коммутиация, ҳисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уланинган йўқолиши) истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда, ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёс-лашдан ўтказиш ва ўрнатиш, шу муқолада, улаш бўйича ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг хизматларига ҳақ тўлаш истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## Айбсиз айбдор...



2011 йилнинг июнь ойида менинг иштирокида йўл транспорт ҳолатида содир бўлган ва бунинг натижасида ҳар икки томондан жароҳатли олдик. 2011 йилнинг август ойида бўлиб ўтган суд қарорига кўра, мен МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми ва 133-моддаси билан ҳуқуқбузар, деб топилдим. Ўша йилнинг сентябрида бўлиб ўтган суд 1-инстанция судининг қарорини бекор қилиб, ишни қўшимча суриштирув ҳаракатлари ўтказишга қайтарди. Суриштирув ҳаракатлари муддатга ўтказилмасан, 2012 йилнинг февраль ойида иш судга ўтказилди. Бўлиб ўтган суд эса мени юқорида айтилган моллаларга кўра ҳуқуқбузар, деб топди, ишни МЖТКнинг 271-моддаси 7-қисмига асосан иш юриштирилган тугатди. Мен айбсиз айбдор бўлиб қолдим. Ўзининг айбсизлигини қандай исботлаб, йўл транспорт ҳаракати натижасида менга етказилган моддий-маънавий зарарларни унириб олишим мумкин?

И.Шоминов,  
Зомин тумани

Бунинг учун қонунда белги-ланганидек, ўз ҳуқуқ ва эркинликларингизни суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат биришма-ларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқингиздан фойдаланишигиз мумкин.

Хусусан, сиз тилга олган ҳолат юзасидан МЖТКнинг 314-моддасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек, улари-нинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бунда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса — туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик

тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарилган орган (мансабдор шахс) шикоятни олган, уни уч сутка ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборди.

Шуни эътиборга олиш лозимки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

МЖТКнинг 316-моддасига мувофиқ, бу каби иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган қўндан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

## Кечиктирилган муддат

Мени ишдан бўшатишганини икки ойдан кейин билиб қолдим. Меҳнат дафтарчасини эса, божхонадан қарздорингиз бор, деб 2008 йилнинг 10 январь куни 2006 йилнинг 4 декабрига қадар бўлган оймак иш ҳақини кўриб беришди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Алия вазирлигида 1998 йилнинг 29 январига рўйхатдан ўтган "Меҳнат дафтарчаларини юришти тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларини бузишди. Божхона органи раҳбарияти келтириб ўтилган Йўриқноманинг 3.1. бандидаги "...ишдан бўшаш куни, меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаш кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ҳолимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Бўшаш куни тўғрисида илгари киритилган ёзув, ушбу Йўриқноманинг 2.18 бандида белгиланган тартибда бекор қилинади", деб белгилаб қўйилган талабга риоя қилини, бажариши шартми ёки шарт эмасми? Қонуналар устуворлигини таъминлаш учун мазкур Йўриқноманинг 3.1. банди талаби бажарилиши ёки назорат қилувчи орган томонидан мажбурий тартибда бажартирилиши учун муддат чеклангани?

М.Сапаев,  
Урган шаҳри

Меҳнат дафтарчалари ходимларнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат саналади. Мулкчилик ва ҳўжалик юришти шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун "Меҳнат дафтарчаларини юришти тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларига риоя этиш мажбурийдир. Бинобарин, мазкур Йўриқномага кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўрточа оймак иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни, меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаш кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Бўшаш кун тўғрисида илгари киритилган ёзув, ушбу Йўриқноманинг 2.18 бандида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Ходим ишдан бўшашганда меҳнат дафтарчасини олганлиги тўғрисида шахсий варақаси (Т-2 сон идораларо намунавий шакл)га ва ҳудудий бўлимидаги ҳисобитоб китобига имзо қўyadi.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатилади (бошқа хатлар ҳисобга олинмайди ва Йўриқноманинг 3.1. банди асосида иш қўрилади).

Ходимнинг меҳнат дафтарчасини яшаш жойига почта орқали жўнатиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади.

Меҳнат дафтарчасини юришти тартибига риоя қилиниши устидан назорат меҳнат ҳуқуқ инспекциялари, касаба уюмлари ҳамда бўйсунуши бўйича ўздан юқори турувчи идоралар томонидан олиб борилади. Бу ҳолат юзасидан судга мурожаат қилишигиз мумкин. Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган, деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳўжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

### ҲўРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг.

Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради.

Саволларингизни «Нуқид» газетасининг

«info@nuqid-gazeta.uz» электрон почтаси орқали

юборишигиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос  
Дониёр ХАЛИЛОВ  
жавоб берди.

# Тадбиркорлик фаолияти қонун қимоясида



Давоми.  
Бошланғич 1-бетда

Солиқ-бюджет сиёсатининг 2013 йилги йўналишлари асосида ўтган йилнинг декабрь ойида тадбиркорлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада камайтиришга, солиқ тизимини соддалаштиришга ва солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришга қаратилган 3 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан солиқ юқини камайтириш борасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг энг куйи ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилди. Бунда солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан келиб чиқиб қўлланилиши назарда тутовчи янги норма киритилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича, шунингдек, яқка тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ҳам энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан, яъни йил давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгаришидан қатъи назар 2013 йил 1 январь ҳолатидаги энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши белгиланди.

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган ставкалар (Тошкент шаҳрида жойлашганларидан ташқари) пасайтирилди. Жумладан, вилоят бўйсунувидagi шахрларда — ойига 1 кв.м. учун ЭКИХнинг 0,06 баравари, яъни 4 755 сўм 40 тиин (2012 йилда ЭКИХнинг 0,9 баравари бўлган), бошқа аҳоли пунктларида — ойига 1 кв.м. учун ЭКИХнинг 0,04 баравари, яъни 3 183 сўм 60 тиин (2012 йилда ЭКИХнинг 0,06 баравари бўлган).

Бундан ташқари, Президентимизнинг қарори билан давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш борасида 2013 йилда аксарият солиқ турлари, жумладан, фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда бир қатор бошқа солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўтган йилда амалда бўлган ставкалари сақлаб қолинди. Шунингдек, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб ихтисослаштирилган "Шаробсавдо" худудий базалари учун чакана ва улгуржи товар айланмаси бўйича ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдоридан белгиланди.

2012 йилда "Шаробсавдо" ихтисослашган улгуржи савдо базалари улгуржи савдо учун

ягона солиқ тўловини 5 фоизли ставкада, чакана савдо эса турғун савдо шохобчасининг жойлашган жойига қараб 1 фоиздан 4 фоизгача ставкани қўллар эди. Эндиликда "Шаробсавдо" базалари улгуржи ва чакана савдо фаолияти учун бир хилда, яъни 5 фоизли ставкада солиқ тўлайдиган бўлдилар.

Республикада ишлаб чиқариладиган акциз ости товарлари учун акциз солиғи ставкаси куйидагича оширилди:

- табиий вино учун 5 фоиз;
- қувватлантирилган вино учун 15 фоиз;
- спирт учун 15 фоиз;
- коньяк, арок ва бошқа алкоголь махсулотлари учун 20 фоиз;
- пиво учун 15 фоиз;
- филтритли ва филтросиз сигаретлар ҳамда папирослар учун 25 фоиз;
- ўсимлик (пахта) ва техник ёғ учун 10 фоиз.

Ер солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиғи ставкалари 15 фоизга ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 20 фоизга оширилди.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар ставкалари сақлаб қолинган ҳолда фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали ставкаси 2012 йилдаги 5,5 фоиз ўрнига 6 фоиз қилиб белгиланди.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ ставкаси 20 фоизга оширилди, бензин ва дизель ёқилғисининг 1 литри учун 240 сўм миқдоридан белгиланди. Суялтирилган газнинг 1 литри учун 165 сўм ва сиқилган газнинг 1 куб. метри учун 200 сўм миқдоридан амалдаги ставкалар сақланб қолинди.

Уяли алоқа компанияларидан абонентлик рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов ойига 500 сўм миқдоридан белгиланди.

2012 йилда солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш борасида жорий йилгача солиқ тўловчи томонидан тан олинган солиқ қарзи қанча бўлишидан қатъи назар уни ундириш учун судларга мурожаат қилинар эди. 2013 йилдан бошлаб эса солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилишда солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилан берилди. Унга қўра, Солиқ кодексидида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юқлатилган шахслар ва уларнинг куйи тузилмалари учун солиқ қарзлари ЭКИХ 20 бараваригача, жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ЭКИХнинг 5 бараваригача бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди.

Ушбу меъёрнинг киритилиши, бир томонидан, хозирда суд тартибидан ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан, солиқ органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиради.

2013 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчи барча шахслар учун (чакана савдо корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш учун ягона база — улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ер солиғининг 3 қарра миқдоридидаги суммаси белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги "Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш тўғрисида"ги Қарорига асосан тузиладиган шартномалар асосида ҳисобланган ягона солиқ тўловидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган суммаси 5 фоиз ўрнига 8 фоиз қилиб белгиланди.

2012 йил 25 декабрда "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Ушбу қонунга мувофиқ 4 та қонун ҳужжатларига, яъни "Банкротлик тўғрисида"ги, "Бож тарифи тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мисол учун, Солиқ кодексининг 50-моддасига киритилган ўзгартиришлар юридик шахс ҳўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда туғатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек, аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилиши назарда тутади.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармони билан корхона банкрот деб топилганда туғатишга доир иш юритиш даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек, аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималарни ҳисоблаш тўхтатиб турилиши белгиланган бўлиб, кодексга киритилаётган ўзгар-

тириш мазкур меъёрнинг амал қилишини мустаҳкамлади.

Солиқ кодексининг 123-моддасига киритилган ўзгартиришлар давлат солиқ ҳизматиинг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш ушбу орган томонидан шикоят бўйича қарор қабул қилинганга қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириши, шунингдек молиявий жирима қўлланилишини тўхтатиб туришни назарда тутади. Ҳозирги вақтга қадар давлат солиқ ҳизмати органи қарорининг ижросини тўхтатиб туриш фақат судга шикоят берилганда амалга оширилар эди. Мазкур меъёрнинг киритилиши солиқ низоларини кўриб чиқишда солиқ тўловчилар учун қўшимча кафолатли таъминлайди ва судларда кўрилаётган солиққа оид низолар сонининг камайтишига, шунингдек, солиқ тўловчининг ишини судга кўриш билан боғлиқ харажатларни (давлат божи, почта харажатлари ва бошқалар) қисқартиришга имкон беради.

Солиқ кодексининг 29 та моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар эса Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони билан ҳўжалик субъектлари томонидан тақдим этиладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларнинг бирлаштирилиши ҳамда тақдим этиш даврийлиги ўзгартирилиши муносабати билан кодекс меъёрларини мослаштириш мақсадида қабул қилинди. Солиқ кодексининг 266-267-моддаларига киритилган ўзгартиришлар юридик шахсларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг мол-мулкдан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объектидан ҳамда солиқ солиш базасидан номоддий активларнинг чиқарилишини назарда тутади. Кодекснинг 312 ва 316-моддаларига киритилган ўзгартиришлар Президентимизнинг юқоридаги Фармонига асосан умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи ва акциз тўланадиган махсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар тоифасидан чиқарилишини назарда тутади.

2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан ҳам бир қатор қонун ҳужжатлари қаторида Солиқ кодексининг 11 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар 2012 йилда янги тақрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Оилавий тадбиркор-

Лазизжон БАРАКАЕВ,  
Бош прокуратура бўлим  
катта прокурори

лик тўғрисида"ги Қонунлар, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида Президентимизнинг Фармонлари асосида тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар ва қулайликларни Солиқ кодекси меъёрларига мослаштириш мақсадида киритилди. Унда Солиқ кодексининг 65-моддасида солиқ қарзини ундириш учун суд ижрочилари томонидан инқасса топшириқномаларининг ижроси бекор қилинишини назарда тутовчи меъёр билан тўлдирилди. 91-модда эса давлат солиқ ҳизмати органи режали солиқ текшируви ўтказиш бошланғичида камиди ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш мuddатлари ва предметини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши шартлиги, тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ ҳизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижаларини бўйича қонунбузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ ҳизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги қўшимча меъёрлар киритилди.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири, Солиқ кодексининг 176 ва 179-моддаларига киритилган ўзгартиришлардир. Унга асосан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин оилавий корхона иштирокчиси ихтиёрида қолган фойда суммаси жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига киритилиши ва жисмоний шахсларнинг даромади сифатида солиққа тортилмаслиги белгилан қўйилди. 356-моддага киритилган ўзгартиришга қўра, ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база янги теҳнологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, махсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун қомплекслар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига камайтирилиши белгиланди.

Ҳўлосу ўрнида айтиш жоизки, бундай солиқ имтиёзлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада жадал ривожланишига ва фуқароларимизнинг ижтимоий муҳофазаси мустаҳкамланишига хизмат қилади.



# Инсон қадри устувор жамиятда

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиши кафолатлари жиғий тарзда кучайтирилиб, жиний ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиний ва жиний-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўзининчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид муҳим қонунлар қатори "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам маъқулланди. Ушбу қонун 2013 йил 4 январь куни матбуотда эълон қилиниб, қонуний кучга кирди. Хусусан, қонуннинг 2-моддаси 1-банди билан Жиний кодекснинг 41-моддаси алоҳида бешинчи қисм, яъни "Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлари, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик тавakkалчиликлари ҳамда бошқа тижорат тавakkалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиний жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди" деган таҳрирдан норма билан тўлдирилди.

Маъқур норма, биринчидан, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқий муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш бўлса, иккинчидан, тадбиркорларни ўз фаолиятида тавakkалчилик асосида қанча йуқлақини ишлаб чиқаришга жорий

қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредитлар юзасидан банклар ва молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларининг жавобгарликка тортилишининг олдини олади. Бу ўз ўрнида тадбиркорларни банклар ва молия ташкилотларининг жиний жавобгарликдан қўчиб, "агар тадбиркор кўзланган мақсадга эриша олмасачи" деган тахминий шубҳаларини тўлиқ истисно этади.

Бундан ташқари, қонуннинг 2-моддаси 2-банди билан Жиний кодекснинг 66<sup>1</sup>-моддасида ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар доираси янада кенгайтирилиб, 180-модда ("Сохта банк кротлиги"), 181-модда ("Банк кротлики яшириш"), 189-модда ("Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш"), 191-моддалар ("Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш") билан тўлдирилди.

Маъқур нормаларни ярашув институти доирасига киритишдан кўзланган асосий мақсад жиний ишларини самарали тарзда ҳал қилиш учун ярашув институтининг қўлланши соҳасини янада кенгайтириш, пировардида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантқиқий давоми сифатида жиний жавобгарликни янада либераллаштиришдан иборатдир.

Маълумки, судланганлик жиний

тимосномасига кўра суд ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Қабул қилинган янги қонуннинг 2-моддаси 3-бандига кўра, Жиний кодекснинг 79-моддаси янги иккинчи қисм билан тўлдирилиб, унга кўра "Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185<sup>1</sup>, 189-192-моддаларида назарда тутилган жинийларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин" лиги белгиланди.

Қонунга бундай ўзгартишни киритилиб, судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари беқор бўлишини инобатга олсак, қайд этилган моддалар маъмуриятга кўра жиний жавобгарликка тортилиб, жазо ўтаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим, тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш имкониятини яратди.

Шунингдек, Жиний кодекснинг 183-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра ўзгартишлар "Рақобат тўғрисида" ги Қонуннинг айрим моддаларини матни билан мослаштириш мақсадида киритилди. Жумладан, "Рақобат тўғрисида" ги Қонуннинг 27-моддаси биринчи қисми 3- ва 4-бандларида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни ижро этишдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида ижро этма-

**Жасур НИЯЗОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти етакчи  
илмий ходими

ганлик учун, шунингдек, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлгон маълумотлар тақдим этганлик учун жарама солиниши белгиланган.

"Рақобат тўғрисида" ги Қонуннинг 32-моддасида монополияга қарши органнинг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан қарорига асосан, ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсга кўрсатма бериши белгиланиб, 33-моддасида эса кўрсатма унда кўрсатилган муддатда ижро этилиши кўзда тутилган.

Шундай қилиб, киритилган ўзгартиш табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбор шахсларга ва монополияга қарши органнинг қарорини (кўрсатмасини) бажармаган шахсларга нисбатан чора кўриш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг алоҳида йўналишларидан бири бу — иқтисодий соҳасидаги жинийлар учун жиний жавобгарликни либераллаштириш, ярашув институти доирасини янада кенгайтириш, натижада, жабранувчиға етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишиға эришиш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, энг муҳими эса инсоннинг кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун бўлишини таъминлашдан иборатдир.

## Фермерлик фаолиятига эътибор

"Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси — оламларимизнинг онгу ва дунёқарши тубан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият тўғрисида кучаймоқда". Бу — Ўртабшимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вази́рлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида фермерлар меҳнати берилган баҳо.

Дарҳақиқат, бугун фермер ер эгаси эканини, давлат муҳофазасидалигини тўла англаб етди. Қолаверса, у мамлакатимизда тадбиркорлигини, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик субъекти ҳисобланган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият кўришини таъминлаш ва кафолатлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганидан ҳам манфаатдор. Хозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шу боис ҳам, фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойиллариға тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди.

Ўртимизда фермерлик фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини са-

марали ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотларни етиштиришнинг янги тизимларини яратишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2012 йилнинг 22 октябрыдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони шулар жумласидандир.

Маъқур Фармонда фермерликини ривожлантириш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг мулкий муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг фермерлар кенгашлари ташкил этилиши назарда тутилган ва кенгашларнинг энг муҳим вазибалари, фаолият йўналишлари белгиланди. Жумладан, фермер-

ликини ривожлантириш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мулкий муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, судларда ишлар кўриб чиқилаётганда, фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва қайта ташкил этишда, уларға ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ажратиб беришда ошкоралик, очкилик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда, томчиллаш суғоришини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш, қишлоқда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари тармоғини, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш кўрсатиб ўтилди.

**Қамолдин ПАРПИЕВ,**  
Қортоқ туман прокурори  
**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
«Huquq»

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фермерлар кенгашлариға фермер хўжаликлари манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (харакатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг маъқур Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вази́рлар Маҳкамаси томонидан 2012-2015 йиллар давомида жойларда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ва бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари ташкил этиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ виллоятимиз туманларида қишлоқ 11 та консалтинг марказларини ташкил этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сўнги йилларда республикаимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жамият ҳаётида фермер хўжаликлари ролининг ошишиға, юртимиз равнақи, аҳоли турмуш шароитининг ўсишиға ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишиға замин яратмоқда.

# Одатга айланган иқроорлик

Воқеамиз "қаҳрамон"и Жавлон Мусабеков (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам бир неча бор судланган бўлишига қарамай, бу сафар муҳим жиноятга қўл урди.

2010 йил 30 октябрь. Осмонни булут қоплаб, ёмғир ёғиб турганига қарамай Жавлон кира қилиш мақсадида "Жигули"сини хайдаб, кўчага чиқиб кетди. Иши унчалик юришмаганига ҳафсаласи пир бўлганча, Юнусобод йўлидан уйига қайтди. Бозор олдидаги чорраҳада қизил чироқ ёнди-ю, қўлида бола кўтарган жувон садақ сўраб, машина ойнасини тақиллатиб қолди. Жавлон машина ойнасини уратиб, пул узатар экан, «Синглим, ёмғирда болангизни шамоллатиб кўйманг. Машинага ўтиринг, уйингизга олиб бориб кўманг. Хавотирланманг, ёмон ниятим йўқ», деди уларга ачинганнамо.

Тиланчилик билан кун ўтказатган жувон бундай меҳрибончиликдан нима дейишни билмай қолди. Шундай бўлсада, миннатдорчилик бирдирган бўлди:

— Ажажон, овора бўлманг.  
— Овораси борми. Машинага ўтиринг тезроқ. Ивиб кетибсизлар-ку!

— Синглим ҳам мен билан эди. Уни ҳам олиб кетайлик.  
— Чақиринг.

Опа-сингил машинага ўтириб, йўлга тушишгач, биринчи бўлиб Жавлон гап қотди:

— Энди танишиб олсак, исми-жувон. Сизларники-чи? Ёш болали жувоннинг исми Анаора, синглисиники эса Асолат экан.

— Садақа сўраб, тиланчилик билан кун кўриш сизларга ярашмайди. Бирор касб-ҳунар эгалламангизлар? Ахир ҳар хил одамлар бор...

Опа-сингил бу гапдан кижолат тортгандек бўлишди-ю, бироқ Анаора жавоб беришни маъқул кўрди, шекилли:

— Ака, гапингиз тўғрику-я, аммо иш топиш кийин экан, — деди секингина.

Кизлар уйларига етиб келишгач, Жавлон уларга иш топишда ёрдам беришини айтиб, Анаоранинг уй телефон рақамини ёзиб олди.

Жавлон сўзининг устидан чиқди. Эртасига Анаорага кўнғироқ қилди-да, иш юзасидан гаплашиб олмоқчилиги-

ни айтиб, учрашув белгилади. Кейинчалик яна учрашди. Орадан кўп ўтмай Жавлон Анаорага айтганмоқчи эканлигини айтган эди, жувон ҳайрон бўлиб қолди.

— Жавлон ака, ахир оилангиз бор-ку! Қандай қилиб уйланасиз?

— Илоҳи бор. У оилам ҳеч нарсадан хабар топмайди. Бунга қафил бўламан. Никоҳ ўқитамиз, сен иккинчи хотинин бўласан. Бозор-ўчарни ўзим қиламан. Кўчада сарсон-саргардон бўлиб юрмайсан.

— Қаерда яшаймиз?

— Ҳозирча онам билан гаплашиб, сизларникига келиб тураман. Ишларим юришгач, уй олиб бераман.

Хуллас, Анаоранинг онаси Зубайра холининг розилиги билан никоҳ ўқитиб, яшай бошладилар. Уч-тўрт ойдан сўнг Жавлон ижарага уй олиб, Анаорани олиб кетди. Шундай уларнинг бирида набирасини кўриш баҳонасида келиб, уларнинг моддий томондан қийналиб қолишганини кўрган Зубайра хола, кизига ачинганидан уни бироз койди.

— Ойижон, биласиз-ку, кўнғироқ бир ўзи ишлайди. Менда ҳам ортиқча пул йўқ.

Комил ҒУЛОМОВ,  
Олмазор туман прокурори  
ўринбосари  
Гули ХОЖИБОЕВА,  
«Huquq»

Кундалик рўзгорга уч-тўрт минг ташлаб кетади, холос.

— Менга қара, эсингдами, эринг никоҳ куни сенга тилла узук билан зирак совға қилган эди.

— Ҳа. Иккаласини ҳам тақиб юрибман.

— Уша тиллаларингни берсанг, ломбардга қўйиб, пул олиб турардик...

Анаора бу тақлифга рози бўлиб, тиллаларини онасига бериб юборди. Уша куни кеч-курун Жавлон ундан хабар олгани келди. Кечки овқатдан сўнг хотинининг қулоғида зираги йўқлигини билиб қолди. Нима қилганини сўраган эди, Анаора турли баҳоналар билан гапни бошқа ёққа буриб юбораверди.

Орадан уч кун ўтиб, Жавлон яна зиракни эслаб қолди-ю, хотинининг баҳонасини тан олмай, жанжал қила бошлади. Охир-оқибат Анаора боласини олиб, онасиникига кетиб қолди. Кўп ўтмай Жавлон ҳам унинг ортидан етиб борди.

Тилла буюмларни қайнонаси "Ломбард"га топшириб, пул олганини билгач эса, жаҳли чиқиб, ўзини идора қилолмай қолди. Ҳеч қайқа қарамай ошхона пичоғини чангаллаб, қайнонасига ташланди. Онасининг бўйнидан отилиб чиққан қонни кўриб, кўриб кетган Асолат бақиршига тушди. Жанжалга сабабчи бўлган Анаора дарҳол "тез ёрдам"га кўнғироқ қилди. Аммо кўп қон кетиши туфайли Зубайра Жумабоева воқеа жойида оламдан кўз юмди. Жавлон Мусабеков ўза ихтиёри билан ички ишларга муурожаат қилиб, бўлган ҳоҳиша ҳақида айтиб берди.

Буни қарангич, ҳар гал жиноят содир этгач, ички ишлар бўлимига бориб, айбига иқроор бўлиш унинг учун одатга айланган экан. Афсуски, унинг бу галги қилмиши аввалгиларидан ўтиб тушди. Тергов давомида Анаоранинг синглиси Асолат Жумабоева поччасининг ҳеч қаерда ишламаслиги, ҳар бир нарсадан баҳона қидириб, жанжал қилиши ҳамда нарсаларни ўғирлаш одати борлиги ҳақида кўргазма берди...

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан Жавлон Мусабеков ЖК-нинг тегишли моддасига асосан айбдор, деб топилди, унга ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланди.

## Содалик қўрсин...

— Қўшнижон-эй, содаласиз, десам хаффа бўласиз. Ҳозирги одамларни биласизми, каллани ишлаб, фойда кетилган фойда қилиб ётишибди. Мана масалан, банкдан доллар олиб-сотишни олсак, давлат курсида харид қиласиз-у, кейин бозорда сўмга айлантасиз. Биласизми, юз долларнинг ўзида ҳам анча-мунча ишлаб олса бўлади.

— Шунақа дейсиз-ку, аммо у ердан доллар олишининг ўзи бўлмади-а?!

— Бунисини менга қўйиб беринг...

Шухрат ТУРДАЛИЕВ,  
Олмалиқ шаҳар прокурори

ни ҳам кўрсатмади.

Шу орада бир аёл уни йўқлаб келди. Ҳаммага яхшилик қилаётгани, ишга киришга талабгорларни хоҳлаган ерга жойлаш қўлидан келиши ҳақида эшитганлигини айтиб, қайнисига ёрдам беришни сўради. Шундан-шунга уни қора тортиб, илтимос қилиб келган одамга Ҳалима қандай қилиб йўқ, дея олади?! Шу бois, айна пайтда у ерда иккита бўш ўрин борлигини, бирига шу йигитни жойлаштиришни ваъда қилиб, бу меҳмоннинг ҳам кўнғилини пуч ёнғоққа тўлдирди-да, 1 миллион 250 минг сўм пулни қанчалик тез олиб келса, иш ҳам унчалик тез битишини билдириб, уни изига қайтарди. Кўп ўтмай, қайниси учун жон қўйдириб юрган келиноғи унга айтилган миқдордаги пулни келтириб берди. Икки-уч кундан кейин мастер пул сўраётганини айтиб, яна 250 минг сўмни ундирган Ҳалима, иккинчи бўш ўринга тезда ўглини ҳам жойлаш ҳаракатида эканлиги, фақат яна озроқ чиқими борлигини билдирган эди, аёл бошқа пулим йўқ, деб жавоб берди. Бу гапни эшитган Ҳалиманинг яна ҳоҳат-борлиги тутиб кетди.

"Сиз ўғлингизни ҳужжатларини олиб келаверинг, ўрнингизга ўзим пул тўлаб тураман. Эвазига тиллаларингни берсангиз ҳам бўлаверди", — деган эди, бундан хурсанд бўлиб кетган аёл ўша заҳоти уйига бориб, келинининг узугига ўзининг 2 та узугини кўшиб, зирагини ҳам Ҳалимага келтириб берди. Бироқ пуллардан ташқари, тилла буюмлар эгасига қайтмагани етмаганидек, на амаки ва на жиян ишга жойлаша оlishди...

Булар Ҳалима Содиқованинг фаолиятидан бир шингил, холос. Аслида у юқоридегилардан ташқари яна бир неча фуқарони ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилиб, уларнинг ўзларидан ҳамда яқинларидан анча-мунча маблағни тамагирик йўли билан олиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлаб юборган.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди томонидан муқаддам судланган бўлса-да, бундан ўзи учун хулоса чиқармай, яна шундай турдаги жиноятга қўл урган, бир неча содда фуқароларни чўшатириб, маблағларини ўзлаштирган Ҳалима Содиқовага қилмишига яраша жазо таъинланди.

Азал-азалдан ота-боболаримиз фарзандларига "ўзганин моли ўзгага буюрмайди", дея ўқитиб келишган. Бу ҳикматли сўзларга амал қилганлар ҳақол меҳнат орқали мол-мулк орттириб, фаровон ҳаёт кечиршига олатганишган. Бу халқимизга хос азалий қадриятлар.

## «Қорамол» операцияси



Бурхон БУРҲОНОВ,  
Вобкент туман прокурори  
Лолахон МАНСУРОВА,  
журналист

Бироқ, айрим кимсалар борки, улар ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтириб, осонгина қўлга киритиш пайида бўлишади. "Кизилтепа" туманидаги "Юқори Работ" қишлоғилик Мирфозил Бафоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эндигина 27 баҳорни қаршилаган бўлса-да, қинғир хатти-ҳаракатлари оқибатида икки марта судланиб, "Амнистия тўғрисида"ги Қарорга мувофиқ жазодан озод қилинган эди. Бироқ, Мирфозил яна жиноятга қўл урди. У бу гал ҳам ота-онаси, оиласи, фарзандларининг юзини шувут қилди.

2012 йил 5 майдан 6 майга ўтар кечаси Вобкент тумани "Тераклик" қишлоғига "ов"га отланган Мирфозил, фуқаро Чини Исмолованинг ҳовлисида турган сигирини етаклаб кетади. Ўғирланган молни "Зармитан" қишлоғига олиб бориб, жияни Фарходга 1 млн. сўмга пуллайди. Мўмай даромад мойдай ёқиб тушиб, орадан ўн кун ўтгач, "Тошлоқ" қишлоғидан яна бир сигирини ўғирлаб, сотиб юборади. Ишлари хамирдан қил суғургандек осон кетаётганидан руҳланган Мирфозил "Сигир операция"сини давом эттириб, бу сафар "Розмоз" қишлоғида яшовчи фуқаро Муборак Маждованинг сигирини ҳам етаклаб чиқиб кетади. Кўп ўтмай, "Кумушкент" ҚФЙ, "Болтабек" қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Нуриддин Ахмедовнинг 2 млн. сўмлик сигирини ҳам айнан Мирфозил томонидан ўғриланиб, сотилиши ва пули унинг эҳтиёжлари учун ишлаб юборилгани.

Аввал фуқароларнинг хонадонига ташриф буюрган мол ўғриси, энди Вобкент туманидаги "Жобир ўғли Жавоҳир" фермер хўжалиғига қарашли дала майдонда тўпланиб турган қорамолларга кўз олайтиради. Бу гал ҳам унга "омад" қилиб боқди. Фахриддин Шомуродовга тегишли нархи 1 млн. 800 минг сўмлик ҳўкиз тез орада янги эгасига сотиб юборилди.

Мол ўғрисиининг сўнги ўлжаси фуқаро Хосият Амонованинг қорамоли бўлди. Нархи 1 млн. 200 минг сўмлик жониворни ҳам ўғрилади, уни жияни Фарруҳга пуллаш ниятида эди-ю, аммо...

Тинч аҳолининг осойишталигини бузиб, уларнинг мол-мулкни ўғирлаган Мирфозил Бафоев қонун ҳимоячиларининг сазй-ҳаракатлари туфайли қўлга олинди. У ўғирлаган моллар эгаларига қайтарилди.

Суд ҳукми билан мол ўғриси беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.







## Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2013 йил 25 март куни қуйидаги «Объектлар»ни сотиш бўйича оммавий оферта савдосига таклиф этади!

I. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 февралдаги 12 и/ч-сонли буйруғига асосан Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Янгиобод-2 кўрғони, Охунбоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, **баҳоси 128 872 000 сўм бўлган**, "Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) Оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сакловчи:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Электроника институти.

Давлат активининг умумий ер майдони 3400 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м. "Дам олиш маскани" бино ва иншоотларида сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

II. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 февралдаги 13 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров Ф.Х.У. ҳудудида жойлашган, эски "Шийпон" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) **баҳоси 27 855 000 сўм** оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сакловчи:** Пискент туман ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 2016,03 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м. "Шийпон" биносидида сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

III. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 февралдаги 13 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Октепа К.Ф.И. ҳудудидида жойлашган, собиқ "10-сонли умум ўрта таълим мактаб" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) **баҳоси 86 674 000 сўм** оммавий оферта савдосига қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сакловчи:** Пискент туман ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 4217,93 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м. Бинода сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

IV. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 февралдаги 13 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчасида жойлашган, собиқ "3-сонли умум ўрта таълим мактаб" биносини (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) **баҳоси 102 283 000 сўм**

оммавий оферта савдосига қўйилмоқда. **Давлат активини балансда сакловчи:** Пискент туман ҳокимлиги.

Давлат активининг умумий ер майдони 3225,59 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м. Бинода сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

**Давлат активларини Оммавий оферта савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:**

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Оммавий оферта савдолари 2013 йил 25 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 22 март куни соат 18:00.

Юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

Жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган

ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

Таклиф этилаётган сотиб олиш қиймати, унинг тўлаш муддатлари, муҳрланган конвертга солинган (2 нусхада).

Оммавий оферта савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичидида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Оммавий оферта савдолари Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчаси, 18а-уй манзилидаги бинонинг 4-қаватдаги бўлиб ўтади.

Оммавий оферта ўтказилиши ва ариза ҳужжатларини тўлдирish билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчаси, 18а-уй. Тел 241-71-99. Веб сайт www.GKI.uz.

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!** Оммавий оферта савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз паймой қилиниш ҳолатлари ёки ошоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефони рақамига хабар бериш.

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такроран очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади!

**Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улғурчи ва чакана савдонинг ташкил этишини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2013 йил 9 январдаги 02-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйида келтирилган жамиятлардаги улушлари такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.**

1. Олтиариқ туман "Олтиариқ савдо инвест" (собиқ Олтиариқ туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги **22,36 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 146 992 747 сўм.**

2. Бувайда туман "Янгиқўрғон Файз Инвест" (собиқ Бувайда туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги **25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 116 388 961 сўм.**

3. Фурқат тумани "Омадди Инвест Тараққиёти" (собиқ Фурқат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги

**31,55 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 167 536 036 сўм.**

4. Ўзбекистон тумани "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги **25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 28 332 685 сўм.**

5. Фарғона тумани "Аввал Обод Савдо" (собиқ Аввал "Матлуботсавдо") МЧЖдаги **25,0 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 16 055 403 сўм.**

6. Фурқат тумани "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги **25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 21 501 512 сўм.**

Аукцион савдолари 2013 йил 7 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2013 йил 20 февралдан 5 март куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Маъруз уллушлар 2013 йил 7 март куни аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 22 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтиши олдидан маълум қилинади. Хамда такрорий савдо учун аризаларнинг қабул қилишнинг

охирги муддати 2013 йил 20 март куни соат 15:00 гача.

Савдога қўйилган "улш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилладиган закалат келишувига асосан, улшнинг бошланғич баҳосини 10 фоизи миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидида улшнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекевизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК босиши.

Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ.

Лицензия: RR 0094.

## «BV TRADE SERVICE» ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси.

№	Объект номи	Манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
<b>2013 йил 19 февраль куни сотилган улшлар.</b>				
1	«Бухороматлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг «Когонматлуботсавдо» тўлик ширкати устав фондидаги 25% улуши	Бухоро вилояти Когон тумани М.Таробий кўчаси 68-уй.	64 790 525	68 700 000
2	«Бухороматлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг «Қорақўлматлуботсавдо» тўлик ширкати устав фондидаги 25% улуши	Бухоро вилояти Қорақўл тумани Улугбек кўчаси 67-уй.	99 484 374	105 500 000

«Аукцион ташкилотчиси» - «BV TRADE SERVICE» ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават). Тел: 8 365 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru Гувоҳнома № 0000097

## Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Тергов бошқармаси тизимларида бўш бўлган терговчи лавозимларига танлов эълон қилинади.

Танловда олий — ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган, мудатли ёки сафарбарлик чақирув резервида ҳарбий хизмат ўтаган, шунингдек олий ўқув юрларининг ҳарбий кафедраси курсини тамомлаб, офицерлар заҳирасига киритилган, бўйи **170 см.** дан кам бўлмаган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота туманларида доимий истиқомат қилувчи, **30 ёшгача** бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 370-56-44, 281-92-52

## "KHOREZM REALTORS GROUP" МЧЖ 2013 йил 15 февраль куни соат соат 11:00да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади!

Аукцион савдосига Хоразм вилоят Давлат мулк бошқармасининг 2012 йил 3 ноябрдаги №74-КОС-сонли буйруғига асосан Хоразм вилояти, Урганч шаҳри Д.Матчон кўчасида жойлашган Урганч шаҳар ҳокимлигининг хизмат кўрсатиш бўлимига қаралиш умумий майдони 1102,6 кв.метр, шундан қурилиш ости майдони 460,65 кв.метр бўлган фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 184 000 000 сўм.**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза, ҳуқуқий ҳужжат нусхаси, бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувига асосан "KHOREZM REALTORS GROUP" МЧЖ Ўзбекистон-Германия АТ "Савдогар банк"и Хоразм филиалидаги қуйидаги махсус ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси тақдим қилиниши шарт: х/р 20208000704949267003, МФО 552.СТИР:302121214.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пули тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдидан соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдирish билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишнингизни сўраймиз: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30-уй, Тел/факс: (8-362) 226-87-15 Факс: 8-362-224-22-43, web sayt: khrg.uz



# «Асака» давлат – акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

2013 йилнинг республикамызда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни рабатлантириш мақсадида

## «ЁШ ТАДБИРКОР ЛОЙИХАСИ» ТАНЛОВНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1.	<b>Танлов иштирокчиси:</b>	Тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда таълим муассасасини битирганига 3 йилдан ошмаган таълим муассасалари битирувчилари ҳамда мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида камида 3 та коллеж битирувчилари учун янги иш ўрни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари;
2.	<b>Лойиҳани амалга ошириш муддати:</b>	3 йилгача
3.	<b>Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:</b>	– лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки – лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда; – лойиҳа ташаббускорига ажратиладиган кредит миқдори энг кам ойлик ишхўрақнинг 1 000 бараваригача; – банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинadиган асбоб-ускуналар, кредит суммасининг 125 фоиздан кам бўлмаган миқдорда; Амалга ошириладиган соҳа: – ишлаб чиқариш соҳасида лойиҳа бўйича — камида 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 50 млн. сўмдан кам бўлмаслик; – хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳа бўйича — камида 2 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 30 млн. сўмдан кам бўлмаслик;
4.	<b>Лойиҳани баҳолаш мезонлари:</b>	лойиҳалар асосан, чакана савдо, хунармандчилик фаолияти, касаначилик, маиший хизмат (сартарошлик, мебелни йиғиш, таъмирлаш ва бошқа), санитария-техника хизмати, металл ва пластмассадан ясалган буюмлар тайёрлашга, миллий матоларни қўлда тўкишга, яқка тартибда кийим-пойабзал тикиш ва таъмирлашга, тиббий хизматлар кўрсатишга, ветеринария хизмати, автомобиллар ва маиший техникаларни таъмирлаш устaxonалари, стоматология хоналари ташкил этиш ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда янги хизмат турларини жорий этишга йўналтирилган бўлиши керак.
5.	<b>Танлов голибларига имтиёзлар:</b>	Янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини жорий этиш, шунингдек таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳалар устувор имкониятга эга бўлади.
6.	<b>Лойиҳани тақдим этиш:</b>	«Асака» банкнинг жойлардаги барча филиалларига
7.	<b>Ҳужжатларни тақдим этиш муддати:</b>	2013 йил 20 мартга қадар
8.	<b>Танлов голибларини эълон қилиш муддати:</b>	2013 йил 1 апрелгача

## «Асака» банк — Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилоят филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-15-32	Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15	Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-10-30	Кўкон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-80	Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтохур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилоят филиали	8-366-233-63-82	Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68	Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-770-82-20	Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90

**Huquq**  
yuridik gazeta

Муассис:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV  
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV  
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
233-10-53  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda keleshgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib  
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan  
amalg oshiriladi.  
① — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni  
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma j-6483. 53 506 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA  
Musahhib: M.QAMBAROV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi matbuot va  
axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam  
bilan no'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

